
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАРҒОНАДА БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Фарғона шаҳрида 30 июль - Халқлар дўстлиги куни муносабати билан “Бағрикенг Ўзбекистон - умумий уйимиз” номли байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов, вилоят ҳокимлиги жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибият мудирини Мўйдинжон Ҳолматов иштирок этди.

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган славян, турк, татар, немис, тожик, қирғиз, яҳудий, корейс миллий маданий марказлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда сўз олганлар томонидан бағрикенглик – давлатимиз сиёсатининг асосий ғояларидан бири эканлиги яна бир бор таъкидланди. Юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элатлар эзгу орзу-умид, аниқ мақсад ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб яшаётганликлари бунинг исботи эканлиги қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги, унинг мазмун-моҳияти, турли миллатларнинг кўп йиллик урф-одат, анъана ва қадриятларини ривожланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар, кўрсатилаётган эътибор ҳақида тўхталиб ўтилди.

“Халқлар дўстлиги куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида”ги Президент Фармони эълон қилиниб, Фарғона вилояти турк миллий маданий маркази раиси Тахир Кападзе ҳам “Дўстлик” ордени билан мукофотлангани мамнуният билан тилга олинди.

Мамлакатда миллатлараро дўстлик ва тотувликни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни ривожлантириш борасида самарали фаолият олиб бораётган фарғоналик фаоллар номлари санаб ўтилди.

Миллий маданий марказлар қошида ташкил этилган ашула ва рақс жамоалари томонидан тайёрланган чиқишлар, қўшиқ ва рақслар йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-07-29 20:59:58